



MILLIY TIKLANISH

30 (351)

2015 йил 30 июль, пайшанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ташкилотларида "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик" веломарафони ўтказилади

Ўтган ярим йилда ОАВда партия Навоий вилоят кенгаши фаолиятига доир 600 дан зиёд материал эълон қилинди

Йилнинг биринчи ярмида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 26 депутатлик сўровини амалга оширди

МУСТАҚИЛЛИК

24
ЙИЛ



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 июль куни Оқсаройда "Isuzu Motors Ltd." компанияси раиси Сусуми Хосоини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. Япониянинг юқори технологияли етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари изчил кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тошкентда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва "Isuzu Motors Ltd." ўртасида Япониянинг ушбу компанияси "СамАвто" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланди.

Мазкур битим "Ўзавтосаноат" ва "Isuzu Motors Ltd." компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг мантикий давомидир.

Томонлар "СамАвто" масъулияти чекланган жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган машиналар турини янгилаш ва кўпайтириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, Япониянинг илғор ишлаб чиқариш технологияларини янада кенг жорий этишга келишиб олди.

"Ўзавтосаноат" ва "Isuzu Motors Ltd." ўртасидаги ҳамкорлик 2007 йилда йўлга қўйилган. Япониянинг мазкур компанияси ўша йили "СамАвто" масъулияти чекланган жамиятининг технологик шериги сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, ўрта оғирликдаги юк машиналари ва бошқа техникалар учун шасси ва двигателлар етказиб беришни бошлади. Ўтган вақт давомида "Isuzu Motors Ltd." агрегатлари базасида 10,2 минг автобус ва 11,5 минг юк машиналари, жумладан, 2014 йилда 1,2 минг автобус ва 2,6 минг юк машинаси ишлаб чиқарилди. Табиий газда ишлайдиган юк машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичини ташкил этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ва ўзаро манфаатли бошқа масалалар муҳокама этилди.

ЎзА

ЎзМТДП ҳаёти



Партия сайловолди Платформасини амалга ошириш —

фаолиятимизнинг бош мезони

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда партиянинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида ўтказилган тадбирлар режаси, 2015 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳамда фаолиятга оид бошқа масалалар муҳокама этилди. Йилгилида партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.



> 2-бет.

Электорат минбари

Маҳаллада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

ЎзМТДПни ўзларининг энг яқин ҳамкори, деб биладилар

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор Анджион шаҳри маҳаллаларида ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Яъни яратилаётган кенг имконият ва шароитлардан унумли фойдаланаётган оилавий тадбиркорлар маҳаллаларда хунармандчилик ва аҳолига турли хизматлар кўрсатишни йўлга қўймоқда.

Мен шаҳардаги "Фаробий" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида ҳудудимиз аҳли турмуш тарзи, тўй-маъракаларида доимо бирга бўламан, уларнинг мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётгани ва бунинг самарасида ҳам рўзғори, ҳам маҳалла ободлигига ҳисса қўшаётганини кўриб қувонаман.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзосиман. Партия Дастурида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Чунки бировга қарам ёки боқиманда бўлмашлик иқтисодий ривожига асосланади. Иқтисодий ривож маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг самарасидан ўзимизни баҳраманд этишга хизмат қилади. Бунинг, айниқса, бизнинг маҳалла мисолида яққол кўриш мумкин.

Маҳалламизда истиқомат қилаётган оилаларнинг кўпчилиги хунармандчилик ва тадбиркорлик билан шуғуллана-

ди. Оилалардаги фаровонлик, замонавий уй-жой ва автомашиналар хунармандчиликдан топган даромад ҳисобидан бўлмоқда. Масалан, маҳалладошимиз Набижон Абдурахимовни олайлик. У касиблик сир-асрорини 30 га яқин ёшларга ўргатиб, иш билан таъминлади. Улар ишлаб чиқараётган пойабзал хорижликдан қолишмайди. Шаҳобидин Усмонов эса трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини очган. Айни пайтда бу цехда касб-хунар коллежлари битирган ёшлар ишлаяпти.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи 75 ёшли Мамлакатхон Абдурахимовани моҳир хунарманд сифатида бутун шаҳар танийди. Мамлакатхон она ўз хунарини ёшларга ўргатиб, неча йиллардан буюн "устоз-шоғирд" анъанасини давом эттириб келмоқда.

Яқинда маҳалламизда ЎзМТДП Анджион шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП эътиборида" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда иш-

тирок этган ёшлар ҳам, кексалар ҳам бугунги дориларимиз, аҳиллигимиз, меҳру оқибатимизнинг абадийлиги, энг яхши анъаналаримизнинг бардавмоллиги мустақиллик шарофати эканини бот-бот таъкидлашди. Маҳалла аҳли турли давлатларда юз бераётган нохушлик, ёшлар тарбиясидаги салбий ҳолатлар бекорчилик ва моддий муҳтожликдан келиб чиқатгани, аксинча, юртимизда маҳаллий саноатнинг ривожини яратилаётган иш ўринлари, аҳоли бандлиги таъминланаётгани боис ҳудудимиз обод, оилалар фаровон экани хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Халқимизнинг "Хунарли эл хор бўлмас", деган ибратли нақли бор. Маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси илмухунар эгалари ҳеч қачон кам бўлмашлигини яхши англашди. Шунинг учун ҳам улар ЎзМТДПнинг маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги мақсад-вазифаларини қўллаб-қувватлайдилар, партияни ўзларининг энг яқин ҳамкори деб биладилар. Партия бундан кейин ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатига қаратилган ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга, янги, амалий ташаббус ва лойиҳаларни илгари суришига ишондилар.

Фаридахон ТУРҒУНОВА,
Анджион шаҳридаги "Фаробий" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси

Ташаббус натижа берди

Озодлик ва фаровонликка интилиш, атроф-муҳитнинг файзли ва саришта бўлишни таъминлаш халқимиз кундалик турмуш тарзининг энг муҳим ажралмас қисмига айланган.

Чиқиндилар ўз вақтида бартараф этилади

халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун талабларининг бажарилиши ҳолати атрофлича муҳокама қилинди

Бу қадриятлар кейинги йилларда янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Зеро, бу сазой-ҳаракатлар бугунги ва келажак авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб вояга етказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизни янада гўзал ва обод этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. 2008-2012 йилларда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури, 2011-2015 йилларда атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастури, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси шулар жумласидандир. Эътиборлиси, мазкур дастурлар ижроси устидан самарали назорат ўрнатишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Сайқал топаётган истеъдод



> 6-бет.

Ғоялар хилма-хиллиги


Буюк Британияда сиёсий партияларнинг ўз йўли ва йўналишини танлашга асос бўлаётир



> 7-бет.

Дор устида рақс тушиб...

боқий меросимиз — дорбозлик санъати ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши мумкин



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП ҳаёти

Партия сайловолди Платформасини амалга ошириш —

фаолиятимизнинг бош мезони



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

— Партиямиз Марказий кенгаши пленуми Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида, халқимиз энг улуг, энг азиз байрамни муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўраётган, шаҳар ва кишлоқларимизда беқабил бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган шухули кунларда ўтмоқда, — деди партия раҳбари. — Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори байрамни юксак даражада ва кенг нишонлашда муҳим асос бўлиб, барчамизга кўтаринки руҳ бағишлади. Қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳам барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бор куч ва имкониятини ишга солимоқда. Партия Марказий кенгаши ва фракцияси истиклол байрамини муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Истиклол берган имкониятлар ҳақида гапирар эканмиз, тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилганини гурур ва ифтихор билан тилга оламиз. Мустақиллик бизга, энг аввало, ўзлик, инсоний ҳақ-хуқуқ ва қадр-қимматимизни қайтариб берди.

Мустақиллик йилларида юртимиз, шаҳар ва кишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора оқиб ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, кишлоқ жойларида ҳам намунавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилаётгани ҳар бир инсон қалбига фахр

тақилликнинг 24 йиллигига бағишланган тарғибот тадбирларида мана шу ҳаётий ҳақиқатни аниқ мисоллар орқали ёш авлодга етказиши лозим.

Пленумда партия тизимиде жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ЎзМТДП гося, дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш вазифасини самарали амалга ошириш мақсадида тизимли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу йил мазкур ишларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга, бугунги замон талаблари асосида фаолият олиб борилиши ва ташкил этилаётган тадбирларнинг сонига эмас, сифати асосида эътибор қаратилди.

Хусусан, партиянинг «Ўзбекистон мустақиллик йилларида: биз ким эдик ва ким бўлдик?», «Туризм — тарихий меросни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш, халқ фаровонлигини юксалтириш асоси», «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони», «Президент асарлари билимдони», «Ўзбек халқ оғзаки ижодининг маънавий-тимидаги ўрни», «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида», «Кексалар доим эъзозимизда», «Биз ёшлар «оммавий маданият» ва мафзуравий таҳдидларга қаршимиз!», «Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!» ҳамда «Халқ миллий ўйинлари» мавзуларидаги лойиҳалари юқори савияда ташкил этилди.

Мамлакатимизда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан партия гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифа-

ларни ечишдаги роли, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятини амалга оширишдаги масъулияти янада ошди. Чунки қонуннинг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Мазкур ислохотлар замирида давлат сиёсий тузилмасида вакиллик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш борасида сиёсий партияларнинг ролини тубдан кучайтириш мақсади мужассам.

Партия сайловолди Платформаси ва Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳисобот даврида партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Бугун ЎзМТДП Марказий кенгашининг партия гуруҳлари фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш ва муҳокама қилиш амалиёти ўз самарасини кўрсатаётди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида партия гуруҳлари томонидан ҳисобот даврида 18 ташаббус халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларининг муҳокамасига киритилди. 121 масала доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 344 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди, қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 340 депутатлик назорати амалга оширилди. Фуқароларнинг муҳокамаси

асосида 1061 масала тегишли давлат ҳокимияти идоралари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди.

Пленумда партия фаоллари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, фойдаланилмаган қолган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Айрим ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани танқидий таҳлил қилинди. Уларга тегишли тавсиялар берилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Пленумда партиянинг Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ҳам маълумот берилди. Эътироф этилганлики, партиянинг дастурий мақсад ва голяридан келиб чиқиб, 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида фракция аъзолари асосий эътиборни тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ҳамда жамоат назоратини амалга ошириш масалаларига қаратилган қонунчилик механизмларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, депутатлик назоратининг қонунда назарда тутилган шаклларида фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фракция аъзолари фаол иштирок этишиди.

Туризм, вазирлик, идора, қўмита ва бошқа ижро қилувчи тузилмалар раҳбарларининг тегишли тармоқларда қонунларнинг, муҳим давлат дастурларининг ижро қилиниши тўғрисидаги ахборотини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин атрофдаги барча давлат билан дўстона муносабатларини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Қонунчилик палатасидаги Демократик қўмрақ блоги ташаббуси билан «Жаҳон маданият ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция»нинг Сурхондарё вилоятида ижро этилишининг бориши назорат-таҳлил тадбири асосида ўрганилди.

Қонунчилик палатасидаги Демократик қўмрақ блоги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва вазирлигининг «Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Пленумда партия фаолиятига доир бунда масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Барча масала юзасидан партия фаоллари ўзларининг фикр-мулоҳазаси ва тақлифларини билдирдилар. Хусусан, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов, партия фракцияси аъзолари Шўхрат Тўхтабоев, Алишер Қодиров, Илҳом Абдуллаев муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленум якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Парламент фаолиятидан

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини мураккаб ўрни ва ролини янада ошириш, бу борада давлат иштирокини камайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини изчил таъминлаш мақсадида Олий Махлис Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги фармони билан тасдиқланган Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шонлиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Хусусий тадбиркорлик янада ишончли ҳимоя қилинади

Қонун билан айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса суд ва прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, уларга берилган имтиёз ва преференцияларнинг амалиётда қўлланилиши назорат қилиш механизмни такомиллаштириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятга ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадларига қаратилган билан эътиборга молик. Жумладан, янги қонун билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Ҳўжалик процессуал, Солиқ, Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу эса мамлакатимизда хусусий мулк эгаларига янги имкониятлар эшигини очиб беради, уларни янада кучли ва ишончли қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Янги қонуннинг мазмуни-моҳияти, мақсади ва мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларидан айримларининг фикрларини билан кизиқдик.

Жуманазор ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шонлиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида қабул қилинган мазкур қонун фармонда кўрсатилган муҳим йўналиш ва вазифаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Жумладан, амалиётда айрим тадбиркорлик субъектлари «савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини анча ёки кўп миқдорда бузганлик» учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳолатлари кузатилади. Энди Жиноят кодексига ўзгартиш киритилиб, савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини анча ёки кўп миқдорда бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмаслик, балки бундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Демак, мазкур янгилик тадбиркорларни судданан деган тамгадан озод бўлишга, ўз фаолиятини янада фаол давом эттиришига имкон беради. Бу, албатта, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига, энг муҳими, мамлакатимиз қонунчилигида тадбиркорликка оид жавобгарликни енгиллаштириш амалиётига тўла мос келади. Шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсишини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ақмал ЖУМАБОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференцияларнинг амалиётда қўлланилишини назорат қилиш механизмни такомиллаштириш, назорат органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга амалиётда тадбиркорлик субъектларига қўлланган молиявий санкция (жазо) содир этилган ҳуқуқбузарликка муносаби бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Ўз навбатида, умумий юрисдикция судларининг қўйи чегарадан паст жазо тайинлаш ҳуқуқи ЖК ва МЖТК да назарда тутилган. Бирок ушбу тамойилнинг қўлланилиш тартиби Солиқ кодексига назарда тутилган. Шунга қўра, Солиқ кодексининг 112-моддасига қўшимча киритиш билан ҳўжалик судларига алоҳида ҳолатлар (ҳуқуқбузарлиқнинг аҳамияти камлиги, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, солиқ тўловчининг моддий аҳволи)да жарима санкциялари суммасини қўйи чегарадан паст қилиш камайтириш ҳуқуқини бериш тақлиф қилинди. Бу, ўз навбатида, қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш сифатини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Укима УЗОҚОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Сўз — пленум иштирокчиларига

Жолдасбай АБДУЖАМИЛОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Партиямиз пленуми мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги таъналар тобора яқинлашаётган, қалбимизни энг улуг, энг азиз байрам шухули чўлгаб олган кунларда ташкил этилгани бежиз эмас. Боиси давлатимиз партиянинг «Ўзбекистон Республикаси — давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, байрамни муносиб кутиб олишга партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Пленумда таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб «Бетақдоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган тарғибот тадбирларини партиянинг Марказий, вилоят туман(шаҳар) кенгашлари, ҳудудлардаги бошланғич партия ташкилотлари кўтаринки руҳда ташкиллаштириш, уларда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партиямиз фаолларининг муносиб иштирокини таъминлаш зарур.

Пленумда муҳокама этилган барча масала фаолиятимиз учун муҳимдир. Хусусан, партия фракцияси фаолияти таҳлил этилар экан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш, уларни илгари сурилаётган қонун лойиҳаларида акс эттириш, қонун ижодкорлиги жараёнида ЎзМТДП позициясини қатъий ҳимоя қилиш борасида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маҳмуд НАЗАРОВ, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Йиғилишда партия ташкилотлари фаолияти танқидий таҳлил этилгани ҳар биримизни яна бир бор ҳушёрликка, ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди. Худудий партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилар экан, партия ташкилотларида меҳнат интизомини таъминлаш, кадрлар салоҳияти, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини юксалтириш, ЎзМТДП сафини фаол ва партиямиз голярига содиқ аъзолар билан кенгайтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтириш ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Мустақиллик байрамга бағишланган тарғибот тадбирларини ўтказишда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори биз учун дастурий мақсад бўлиб хизмат қилади. Тадбирларда биз кеча ким эдик, бугун ким бўлганимизни аниқлаш, ватандошларимизни янги марралар сари рўялантириш, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлаётган ижобий ўзгаришларни, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини, аҳолининг фаровон яшаш шароитларини ҳаётий мисоллар билан кўрсатишимиз лозим бўлади. Партия бу борадаги тадбирлар режасидан ўрин олган мустақиллик моҳиятини тарғиб қилувчи «Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?» мавзусида минтақавий семинарларни ўтказиш, «Юрт тинчлиги, Ватан та-

раққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!» шиори остида веломаффонни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш — асосий вазифаларимиздан.

Оттабек ЖИЯНБОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, Кенгаши депутати:

— Пленумда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролардан тушган муҳомаатлар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш, ҳудудларда Давлат дастурларининг бажарилишини назорат қилиш каби долзарб вазифалар ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан қай даражада бажарилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада илғор партия гуруҳлари эътироф этилиб, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар муҳомаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб масалалар киритишда сусткашликка йўл қўяётган айрим маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти танқид остига олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Наманган, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари самарали фаолият юритгани, аммо Навоий, Тошкент, Хоразм вилоят кенгашларидаги партия гуруҳлари бу борада сусткаш-

ликка йўл қўйгани танқидий таҳлил этилди. Билдирилган тақлиф-мулоҳазалардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни янги босқичга кўтаришни мақсад қилдик.

Феруза МАДРАХИМОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

— Бугун Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси турли лойиҳалар билан халқ орасига кириб боришга интилмоқда. Партиямизнинг ҳамиятдаги нуфузи ва обрўси тобора ошиб, электоратимиз сафи кенгайиб бораётди. ЎзМТДП бир неча йиллардан бери ўтказиб келаётган «Банк кредитлари — хунармандларга» лойиҳаси бугун халқ орасига янада чуқурроқ кириб бориш, электоратимиз вакилларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо бу лойиҳа бугун фақат вилоят маркази билан чекланиб қолмоқда. Уни чекка ҳудудларда, туман ва шаҳар миқёсида доимий тарзда ўтказиш партиямиз мақсад ва голяридан кенгайиши ва аҳолининг партияга бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Партиямиз Марказий кенгаши ўтказётган кадрлар салоҳиятини янада ошириш, уларда раҳбарлик ва етакчилик қобилиятларини юксалтиришга қаратилган ўқув-семинарлар келгусида партиямиз сафида фаолият юритаётган ёш кадрларнинг билим ва қўниймаларини янада ошириш, замонавий усулларни амалиётга кенг жорий этиш, партиямиз обрўси ва имижини юксалтиришга хизмат қилади.

Шоҳида ДАМАНОВА «Milliy tiklanish» мухбири



ЎзМТДП ташкилотларида



Кексалар — ёшлар ЭЪЗОЗИДА

бу миллатимизга хос эзгу фазилатдир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқимизнинг кексаларни эъзоллаш, уларнинг бой ҳаётий тажриба-

Дарҳақиқат, ёши улугларни кадрлаш, уларнинг юрт раънақи учун қўрсатган фидойиликларига муносиб хурмат қўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Бундай эзгу қадриятлар истиқлол шарофати билан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Халқимизнинг миллий, маънавий, маданӣ қадриятларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашни ўзининг устувор вазифаси деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кексаларга хурмат, ўзаро ҳамжихатлик, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш каби оилавий анъаналарни амалга ошириш тарафдори.

Халқимизнинг миллий, маънавий, маданӣ қадриятларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашни ўзининг устувор вазифаси деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кексаларга хурмат, ўзаро ҳамжихатлик, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш каби оилавий анъаналарни амалга ошириш тарафдори.

Мадина МУХТОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, тадбир иштирокчиси: — Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ва Ҳуқуқролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девонни раҳбари Бахтиёр Багиоров, Ҳуқуқролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлими раҳбари Фотиҳ Раҳматов бошланғич партия ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш электро-раш маънавияти шонли ҳимоялаш ҳамда партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамиятта ога эканлиги таъкидлади.

Фақат кучли қуйи бўгин

партиянинг ҳақиқий таянчи бўла олади

Буларнинг барчаси эса партия гоя ва мақсадларини аҳолига етказиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими, ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқдир. Бугунги илчил ислохотлар жараёни сиёсий партиялар қуйи бўгинларининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг электротар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли орасига чуқур кириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ислаб топши, аниқ ташаббусларни илгари суришни тақозо этмоқда.

Айни пайтда Самарқанд вилоятда ЎзМТДП аъзолари сони — 20 722 нафар. Вилоятда фаолият юритаётган 883 бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли кенг қатлавлари орасида тарғиб қилиш, хайрихоҳ ва аъзолар сафини кенгайтириш, электротар эҳтиёжларини

ўрганиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Семинарда эришилган натижалар билан бир қаторда қуйи бўгинлар фаолиятида айрим камчиликлар ҳам борлиги таъкидлаб таҳлил этилди. Айрим бошланғич партия ташкилотларидида айрим камчиликлар ҳам борлиги таъкидлаб таҳлил этилди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девонни бош мутахассиси Шодиёр Алимов вилоятда қуйи бўгинлар ишини янги босқичга кўтариш, улар фаолиятда йўл кўйилаётган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида мулоҳаза ва тақлифларини билдирди. Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интерфаол машғулот ўтказилди, партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан мунтазам ҳамкорлиги бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқилди.

этилаётган бу каби тадбирлар жорий кексаларни эъзоллаш йилида ўзгача аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда сўз олганлар "Кексаларни эъзоллаш йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ёши улугларга ҳар томонлама эътибор қаратиш, кексаларнинг турмушини янада фаровон қилиш, дам олишини ташкил этиш, улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, кизкиши бўйича клублар ташкил қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шaroит яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтидилар.

Бугунги кунда кекса авлод вакиллари билан бирга, бугунги ёшлар дорилар ҳам ҳаётимизнинг қадрига етиши, истиқлол неъматларини асраб-авайлаш лозимлиги таъкидланди. Уларга ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.

Дарҳақиқат, бугун инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мадад бўлаётир.

Дарҳақиқат, бугун инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мадад бўлаётир.

Спорт орқали соғлом ҳаётга

ЎзМТДП ташкилотларида ўтказилаётган тадбирлар навқирон авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилмоқда

Анджон

"Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган.

Истиқлол йилларида бу олийжаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болалар ва ўсимирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди.

ЎзМТДП Анджон вилоят, туман ва шаҳар кенгаши ўтказган "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақалари мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланди. "Бетақроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним" шиори остидаги тадбир вилоятдаги спортсевар ҳамда маҳоратли ёшларни жамлади.

Тумандаги саккизта маҳалла ёшларидан иборат жамоалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари қизгин кечди. Фолиб жамоаларни партия вилоят кенгаши муносиб рағбатлантирди.

Хоразм

"Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" шиори остидаги "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақаларини ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши ҳам юқори савияда ташкил этди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб воғга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламада спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шарoитлар яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклаш, ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тадбирда жамоалар турли спорт турлари бўйича ўз маҳорат ва эътиборини синовдан ўтказишди.

Бугун Ўзбекистон дунё миқёсида спортга, хусусан, болалар спортига юксак эътибор қаратаётган давлатлар рўйхатининг энг олдинги сафига туриши барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди, — деди ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши раиси Баҳоҳид Жуманиёзов. — Юртбошимизнинг ҳеч нарса мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайдиган, деган эътирофи ўтган йиллар мобайнида ўз исботини топди.

Спорт мусобақалари қизгин баҳслар асосида ўтди. Яқунда фолиблар партия Урганч шаҳар кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Наманган

Партия обрў-эътибори, унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, хайрихоҳ ва аъзолар сафини кенгайтириш кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига боғлиқ. Қуйи бўгинлар фаолиятини самарали ташкил этиш, улар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш партия ташкилотининг муҳим вазифаси саналади.

Семинарда партия туман кенгаши раиси Дилафрўз Ҳамроҳўжаева бошланғич партия ташкилотлари партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ этувчи муҳим бўгин ҳисобланиши, шу босқичда ЎзМТДП қуйи бўгинлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга интилаётганини таъкидлади.

Семинар-тренинг давомида ЎзМТДП Чортоқ туман кенгаши тасарруфидида 27 та қуйи бўгин аъзолари иштирокчида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш, иш самардорлигини ошириш, ташкил этилаётган тарғиб-ташвиқ тадбирларида замонавий усуллардан фойдаланишга қаратилган интерфаол машғулотлар ўтказилди.

Навий

ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги "Галабек" МФЙда "Ёшлар тарбиясида оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларни юксак тафаккур ва салоҳият эгаси, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишни учун кенг имкониятлар яратилган, — деди ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши раиси Исомиддин Маҳмудов. — ЎзМТДПнинг вилоят, туман кенгашиларида ташкил этилаётган бу каби тадбирлардан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ишларга қўмақлаштиришдан иборат.

Тадбирда ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларни турли мафкуравий таъсирлардан асраш, маънавиятимизга ёт гоғлар гирдобига тушиб қолмаслиги учун мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятта эга эканлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, тобора кучайиб бораётган гоғвий хавф-хатарларни мунтазам равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан енгиш мумкин.

Мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилар экан, шунинг баробарида эртаимиз эгалари бўлган ёшлар таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаслик, улар маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туолган кичик ахборот ҳам фарзли кучга айланиши мумкинлиги, уларга нисбатан эса илчил қурашиш лозимлиги таъкидланди.

Мулоқот доирасида иштирокчиларга ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари, "Ёшлар қаноти" фаолияти, партия илгари сураётган лойиҳаларнинг моҳияти ҳақида батафсил тушуنча ва маълумотлар берилди. "Фарзанд тарбиясида соғлом оила муҳитининг аҳамияти", "Фарзанднинг ким бўлмоқчи?", "Ёшлар тарбиясида миллий урф-одатларнинг аҳамияти", "Фарзанд тарбиясида шарқона одоб мезонлари" мавзуларидаги маърузалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Қашқадарё

Маҳалла — қадриятлар, юксак маънавият бешиги, — деди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девонни етакчи мутахассиси Гузал Олимова "Миллий хунармандчилик ривожига маҳалланинг ўрни" мавзусидаги тадбирда. — Президентимиз таъкидлаганидек, инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи бекиёс макон маҳалладир. Миллий қадриятларимиз, хунармандчилик, "устоз-шогирд" анъанаси ҳам айнан маҳаллада ривож топди.

Таърибали хунарманд, 30 га яқин шогирдига қашта тиқши ва қуроқчилик сирасорини ўргатиб келаятган Фериуза Қулмухаммадова Ўз фаолияти мисолидаги тавсияларни, фикр-мулоҳазалари ёшларнинг хунармандчиликка бўлган қизиқишини янада оширди. Хунармандларнинг миллий хунармандчилик махсулотлари кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбири

Файрат САТТОРОВ, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

Муסיкий таълим



Сайқал топаётган истеъдод

Пойтахтимиздаги 14-болалар муסיқа ва санъат мактабида бўлганимизда, ёзи таътил бўлишига қарамай, қизгин машғулот устидан чиқдик. Ўқувчилар кузда бўладиган "Камалак юлдузлари" кўрик-танловига тайёргарлик кўришадиган экан. Машғулот залда, 8 ёшли Маликахон ижросидаги "Тановар" рақсига беҳ-тиёр маҳлиё бўлиб қолдик...

— Латвиянинг Юрмала шаҳрида бўлиб ўтган "Арабеск 2015" рақс фестивалида ўз рақсларим билан қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлдим, — дейди Маликахон. — Эндиги кўрик-танловда "Тановар"рақси билан иштирок этмоқчиман. Бу рақсни буйвуддан ўрганганман. Устозларимдан унинг сирасорларини ўрганибман, катта сахнада ижро этиш ниятим бор.

Мазкур муסיқа мактабида 200 дан ортиқ иқтидорли ўғил-қиз тахсил олмақда. Уларга эллиқдан зиёд малакали мураббий 13 йўналиш бўйича сабоқ бераётир.

— 2013 йили янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган замонавий санъат даргоҳида ёшларнинг муסיқа ва санъат сирларини пухта ўрганиб, ўз истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун бу ерда барча шароит ва қулай ижодий муҳит яратилган, — дейди мазкур муассаса директори ўринбосари Динора Мамажоновна. — Ҳозир бу ерда ўғил-қизларга фортепиано, анъанавий хонандалик ва созандалик, рақс, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат сингари йўналишлар бўйича сабоқ бериляпти. Албатта, ўқувчиларимиз бундай юксак эътибор-рағбатга ўз муваффақиятлари билан муносиб жавоб беришмоқда. Жумладан, Малика Нўмонжоновна Латвиянинг Юрмала шаҳридаги халқаро рақс фестивалида голиб чиқди, Анна Лиян Москвадаги халқаро кўрик-танловда фортепиано ижроси бўйича 2-ўринни, Севара Аъзамова Италиядаги "Күёшли Италия" санъат фестивалида скрипка чалиш бўйича 3-ўринни эгаллади.

Дарҳақиқат, бундай ютуқларни бугун мамлакатимиздаги истаган муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятдан келтириш мумкин. Бу, аввало, мамлакатимизда ёш авлодининг истеъдодини ҳар

томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон муסיқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич муסיқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар муסיқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш борасидаги ислохотлар бераётган ҳаётий самаралардир.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланиб, илҳам амалга оширилган Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди.

Ўтган йиллар давомида 278 болалар муסיқа ва санъат мактаби биноси фойдаланишга топширилди, улар 30 мингдан ортиқ янги муסיқа асбоби, 61 минг нусха ўқув қўлланма, миллий ва жаҳон муסיқаси ноталари билан таъминланди. Бу билан мазкур таълим муассасалари энг замонавий, халқаро талаблар даражасидаги шарт-шароитга эга бўлди. Энг муҳими, муסיқа ва санъатга ихтисослашган академик лицейлар, соҳадаги олий таълим муассасалари фаолияти бир-бирига мувофиқлашти-

рилиб, ягона, узлуксиз муסיқа ва санъат таълим тизими шаклланди. Мазкур муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчилари 2008 йилда 38 минг нафар бўлган бўлса, бугун улар 52 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда.

— Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг аввалги ва ҳозирги аҳволи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, — дейди Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-болалар муסיқа ва санъат мактаби директори, халқ таълим аълочиси Дилором Мирсодиқова. — Мустақилликка бундай мактаблар ўтган асрнинг 40-50 йилларида ҳашар йўли билан хом гишдан тикланган — мослаштирилган биноларда жойлашган. Давр талаблари асосида ёндашилганда, 90 фоиз мактаб қайта қуришга мўжоз эди. Эндиликда мамлакатимизда муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, иқтидорли ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини тўлақонли намоеън этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг самарасида ёшларимиз халқаро танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шарафини улуғламоқда.

Биргина мисол: 1991 йилда республика бўйича ушбу мактабларнинг иқтидорли ўқувчиларидан атиги уч нафаригина халқаро танловларда қатнашган.



Ў.А. суратлари.

Давра суҳбати

Сўз эркинлиги — масъулият демак

Тахлилий ва танқидий материаллар миллий матбуотимиз ривожиди муҳим омилдир. Зеро, оммавий ахборот воситалари — инсон ва жамият ўртасидаги муҳим восита, ҳаёт кўзгусидир

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институт, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табригидаги муҳим вазифалар" мавзусидаги давра суҳбатида ана шу ҳақда сўз борди. Тадбирда етакчи босма оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг матбуот хизмати ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси раҳбари Дониёр Аюпов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озода ва обод ҳаётни барпо этиш борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида миллий матбуот соҳасини жадал раванқ топтириш, фуқа-

роларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 июнда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табригида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган асосий вазифаларни бажариш соҳа раванқидида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз табригида матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари борасида ҳам фикр юритилган. Хусусан, "Биз кечаким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган давват, энг аввало, матбуот ахлига дахлдор экани таъкидланган. Давра суҳбати иштирокчилари маърузада илгари сурилган асосий мақсад-вазифалар хусусида фикрлашди.

— Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор ҳеч қачон бугунги даражага кўтарилмаган эди, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи, "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари бош муҳаррири Акмал Ақромов. — Мустақилликка қадар газета-

журнал, теле-радио каналлари сони бармоқ билан санарли эди. Бугун эса мамлакатимизда 1,4 мингдан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Айниқса, мустақил ОАВ жамоатчилиги назоратини амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситалари орқали давлат идоралари ва назорат органлари фаолиятини кенг ёритиш, турли соҳалардаги муаммоларни тахлил қилишга бағишланган кўрсатув, эшиттириш ва мақолаларнинг сони ҳам, салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг яққол тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари, ахборот ва сўз эркинлиги эришиш биз мақсад қилган кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим восити ва омилдир. — Бугунги кун журналистик зиммасига катта масъулият оқланмоқда. — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Ўқтам Мирзаёров. — Матбуот ва телерадиоканалларда тахлилий ва танқидий материаллар, кўрсатув-эшиттиришлар сони ҳамда салмоғини ошириш — давр талаби. Бунинг учун мамлакатимизда барча шароит ва имконият етарли. Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани ҳам журналистларнинг ҳуқуқ-эркинликлари кафолатланиши, уларнинг фаол журналистик фаолият олиб боришга хизмат қилади.

Давра суҳбатида миллий журналистикамизнинг халқаро меҳди маконда муносиб ва мустақам ўрин эгаллаши, соҳадаги долзарб вазифалар мухокама қилиниб, бу борада тегишли масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

А.КУСНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбирлар

“Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз”

янги лойиҳа шундай номланди

"Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз" номли лойиҳаси давлат ижтимоий буюртмасини бажаради. Лойиҳа Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади.

Бу ҳақда 28 июль кун мазкур лойиҳанинг тақдимоотида маълум қилинди. Тадбирда мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш кўлами йил сайин кенгайиб бораётгани таъкидланди. Жорий йилда бу мақсадлар учун давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида 10 миллиард сўм маблағ ажратилган.

"Жамият" газетаси бош муҳаррири Бекзод Шуқуровнинг айтишича, лойиҳадан мақсад — кексалар хolidан хабар олиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга чорловчи тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш. Шу мақсадда "Жамият" газетасида махсус "Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз" саҳифаси ташкил этилиб, доимий равишда мақола ва репортажлар чоп этилади. Журналистлар ва муаллифлар ўртасида шу номда 2015 йил 1 июлидан 2016 йил 20 июнигача ижодий танлов ўтказилади. Голиблар 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун и арафасида тақдирланади.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, нафақадagi журналистлар ва бошқа нурунийлардан 800 нафари "Жамият" газетасига бепул обуна қилинади.

Анжуманда лойиҳани амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Янги ва замонавий темир йўллар

мамлакат тараққиётига хизмат қилади

Жорий йилда темир йўл станциялари орқали 33,3 миллион тонна юк, 10,7 миллион йўловчи ташилди.

Бу ҳақда 24 июль кун Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг жорий йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий фаолияти ақунлари ва иккинчи ярим йилликнинг истиқболли лойиҳаларига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландиққа жойлашган Қамчиқ домини бўйлаб қурилатган Ангрэн-Бопол янги электрлаштирилган темир йўл линиясидаги бунёдкорлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Лойиҳага кўра, 19,1 километрик туннель, 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темир йўл кўприги, 6 станция ва 2 вокзал бунёд этилиши режалаштирилган. Бугунги кунгача тўп-топ ва бурғилаш ишлари бажарилиб, сув ва йўл ўтказиши иншоотлари, кўприклари қурилиши тугалланди. "Орзу вокзали", "Кўл", "Темирйўлобод", "Кўшминор" станциялари қуриб битказилди.

"Мароканд-Қарши" темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳасига 160 дан ортиқ малакали ишчи-ҳодимлар ва ўндан зиёд замонавий техника воситалари жалб қилинган. Қурилатган объекларда автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва электр энергияси сарфини ҳисоблаш тизими жорий этилади. Шунингдек, 291 километрик Самарқанд-Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари ҳам бошлаб борилади. Мазкур йўналишда 4 навбатчилик пункти ва 3 кичик электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури асосида алоқа тармоқларини қуриш учун зарур бўлган қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилиш харажатларини камайитириб, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига имкон яратмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Истиқболли лойиҳалар

Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашади

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг "Мустақил босма ОАВда "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши жараёни ёритилиши" ҳамда "Телеграф" ахборот-таҳлилий порталининг "Интернет тармоғини Ўзбекистонда жамиятнинг барча соҳалари жадал ривожланиши ҳақидаги ҳолисона ва ҳар томонлама ахборот билан тўлдиришга кўмаклашиш" лойиҳаларининг тақдимооти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган давлат ижтимоий буюртмаси голиби бўлган.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ННТларнинг ижтимоий шериклик асосида муайян соҳа ва йўналишлар ривожини йўлида ҳам восита, ҳам омил бўлмоқда. Айниқса, Давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан ННТ ҳамкорлиги бу борада муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди лойиҳаси ҳам "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ижросига хизмат қилади.

Лойиҳа Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари, асосий йўналишлари ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритиб боришни мақсад қилган. Дастур ижроси жараёнида жойлардаги давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда ННТнинг амалий иштирокидан кенг жамоатчиликни хабардор қилишни назарда тутди. Бу борада 33 марказий ва ҳудудий таҳририят билан шартнома имзоланиши янада аҳамиятлидир.

"Телеграф" ахборот-таҳлилий портали лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳаётига доир воқеа-ҳодисаларни ҳолисона ёритиш, фуқароларнинг фаолиятини ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш вазифасини ўз зиммасига олган. Шунингдек, мамлакат аҳолисининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда давлат органлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик масъулияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар ҳақида хабардорлигини ошириш, келажак авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган мақола-лар тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг хабарларини мунтазам чоп этишни назарда тутди. Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Аҳмад МЕНГЛИМУРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Ғоялар хилма-хиллиги

Буюк Британияда сиёсий партияларнинг ўз йўли ва йўналишини танлашга асос бўлаётир



Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги — шимолий-ғарбий Европадаги давлат. У қўшничка мамлакатнинг асосий қисмини ташкил этадиган Англия номи билан аталади. Майдони 244,1 миң квадрат километр, аҳолиси 58,5 миллиондан зиёд. Пойтахти — Лондон шаҳри. Тарихан таркиб топган ва миллий жиҳатдан ҳар хил бўлган 4 маъмурий сиёсий қисм — Англия, Уэльс, Шотландия ва унга ёндош оролар, Шимолий Ирландиядан иборат. Давлат бошлиги қирол (қиролича).

Мамлакатнинг конституцияси йўқ. 1215 йилги Буюк озодлик хартияси, 1679 йилги Хабеас корпус акти, 1931 йилги Вестминстер статута, 1969 йилги Халқ вакиллиги тўғрисидаги акт энг муҳим парламент ҳужжатлари ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол (қиролича) ва парламент, ижро ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат (вазирлар маҳкамаси) бошқаради. Буюк Британия таркибидаги Англия, Уэльс ва Шотландия ўзининг суд тизимига, маҳаллий бошқарув органларига эга. Шимолий Ирландия маъмурий муҳторият ҳуқуқига эга бўлиб, уни қирол (қиролича) тайинлаган губернатор бошқаради.

Буюк Британияда икки палатали парламент фаолият олиб бораётган бўлиб, у юқори — Лордлар ва куйи — Жамоалар палатасидан иборат. 14 кўмитадан иборат Жамоалар палатасида 650 депутат фаолият юритса, Лордлар палатасида 674 аъзо фаолият кўрсатади. Куйи палатада ҳар бир депутат 5 йилга сайланса, бундан фарқли равишда Лордлар палатаси вакиллари сайланмайди. Улар англо-католик черковидан назоқдорлар, перлардан иборат бўлиб, ушбу даврим авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Британия қонунчилигига кўра, ҳукуматни шакллантириш учун сиёсий партиялардан бири парламентдаги Жамоалар палатасида 650 ўриндан 326 мандатни кўлга киритиши лозим. Бордию сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялардан ҳеч бири яққол устуликка эриша олмаса, у ҳолда бир неча партия коалиция ҳукуматини шакллантиради. Бундай ҳолат мамлакат тарихида сўнгги марта 2010 йил 6 майда ўтказилган сайловлардан кейин кузатилади. Ушундан парламент сайловида бирорта партия мустақил равишда янги ҳукуматни шакллантириш имконига эга бўла олмаганди. Консерваторлар 306, лейбористлар 258 мандатга эга бўлди. Консерваторлар сайловда 57 ўринни кўлга киритган либерал-демократик партия вакиллари билан музокара олиб борган, томонлар коалиция ҳукуматини ту-

зоҳасига сарф-харажатларни ошириш каби масалалар ҳам Консерваторлар партияси эътиборидан четда қолмади. Қолаверса, консерваторлар сайловда чикишлари орқали 2017 йилга қадар мамлакатнинг Европа Иттифоқидан чиқиб кетиш масаласи бўйича референдум ўтказиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

2015 йилдаги сайловда мағлубиятини тан олган лейбористлар, яъни “Меҳнат” партияси ҳам мамлакатдаги йирик сиёсий кучлардан бири саналади. Партия ўз дастурида доимо иқтисодий ўнглаш, банк фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, нафақа белгилаш шартлари, атмосферага захарли газлар чиқариш ҳажмини камайтириш, парламент, хусусан, лордлар палатасини ислоҳ қилиш бўйича референдум ўтказиш, армияни қайта қуролантириш госясини илгари сурмоқда. Улар ижтимоий адолат учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қолаверса, партия мамлакатда тезкор поездлар харақати учун темир йўл қуриш госясини алоҳида қўллаб-қувватлади. Уларнинг фикрича, ушбу тармоқни янада ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу орқали ишсизларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Партия дастурида таълим тизимига кўпроқ маблағ ажратиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш госясини илгари сурилган. Гарчи бу каби ташаббуслар бошқа партиялар дастуридан ҳам ўзи олганга қарамай, партия ҳозир бу борада ташаббускор сифатида кўзга ташланмоқда.

Мазкур партия сайловдаги кампаниясида миллий валюта — фунт стерлинг курсини бир маромда ушлаб туриш, банк, таълим ва соғлиқни сақлаш миллий тизимини ислоҳ қилиш, “яшил иқтисодиёт” ҳамда Европага юқори технология маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида шу тармоқни ривожлантиришга ваъда берган. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ўзини ўзи бошқариш идоралари ишини қайта қўриб чиқиш, қиролликка келатган муҳожирлар оқимини мувофиқлаштириш, жон майдонда Буюк Британиянинг нуфузини ошириш ва миллий маънавиятини ҳимоя қилиш ҳам кун тартибига қўйилган.

Лейбористлар партияси устави 1918 йилнинг февралда қабул қилинган. Лейбористларнинг 6 миллиондан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг 95 фоизи қасаба уюшма аъзолари. Парламент сайлов округларида ушбу партиянинг 633 ташкилоти ишлаб турибди. Миллий ижроия қўмитаси 25 кишидан иборат бўлиб, у партиянинг олий органидир. Лейбористлар 1990 йилгача ўзларини ушган ишчи синфи партияси, дея атаб келган. Йирик қасаба уюшмаларнинг фаолияти айнан шу партия билан бевосита боғлиқ, аъзоллик бадални ҳам тўлаб келинмоқда.

Жорий йилда ўтказилган парламент сайловида Лейбористлар партияси “Барча учун адолатли жамият” шiori билан сайловчилар қалбига йўл топишга ҳаракат қилди. Партия иқтисодий ислохотларни ўтказиш, британияликлар қундалик ҳаётига инновацион технологияларни жорий қилиш, шунингдек, сайлов тизимини ислоҳ этиш госяларини ҳам илгари сурди. Партиянинг сайловолди платформасидан газ ва электр энергияси тарифларини музлатиб қўйиш, соатбай иш ҳақининг минимал миқдорини 8 фунт стерлинггача кўтариш, йиллик маоши 150 миң фунт стерлинг бўлган фуқароларга даромад солигини 50 фоизга ошириш, бадаллар чет эл фуқаролари учун даромадининг бир қисмидан олинмаган солиқдан қўтилишга имкон берувчи норезидент мақомини бекор қилиш каби вазифалар ҳам ўрин олган.

Утган йилда олий иштирокида ўтказилган сўровномада Лейбористлар партиясининг рейтингини анча тушгани маълум бўлди. Партия аҳолининг 29 фоизлик қўллаб-қувватлашига эришти. Консерваторлар эса фуқароларнинг 32 фоиз овозини кўлга киритди. Энг қизиғи, Қўшма Қироллик мустақил партияси 25 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлди. Бу эса мамлакатнинг икки етакчи сиёсий партиясидан ташқари аҳоли орасида бошқа сиёсий партияларнинг ҳам нуфузи ва мавқеи ошиб бораётганидан далолат беради.



Буни 2015 йилнинг 7 майда ўтказилган парламент сайлови ҳам яна бир бор исботлади. Мазкур сайловда Консерваторлар, Лейбористлар, Либерал-демократлар, Шотландия миллий партияси, Қўшма Қироллик мустақил партияси (UKIP), Plaid Cymru ҳамда Англия ва Уэльс яшиллар партияси иштирок этди. Сайлов Консерваторлар партиясининг галабаси билан ниҳояланди. Консерваторлар сайловчиларнинг 36,9 фоиз овозини тўплаб, парламентда 331 ўринни кўлга киритишга муваффақ бўлди. Дэвид Кэмерон иккинчи марта мамлакат Бош вазирлиги таъинланди. Бирок аввалги сайловдан фарқли ўлароқ, бу сафар консерваторлар сўнгги 18 йил ичида биринчи марта бир партияли ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини кўлга киритди. Лейбористлар партияси эса 31 фоиз овоз билан 232 депутатлик ўринини банд этди. Қўшма Қироллик мустақил партияси 12,6 фоиз овоз олган бўлса, Либерал-демократлар 7,9 фоиз овоз билан парламентда 57 ўринни кўлга киритди. Гарчи сайловда Консерваторлар партияси галаба қозонган бўлса, нисбатан кичик сиёсий партиялар, хусусан, Қўшма Қироллик мустақиллик, Шотландия миллий, Англия ва Уэльс яшиллар партиялари ҳам парламентда ўз мавқеъларини анча яхшилашга эришти. Экспертлар фикрича, бу, авваламбор, аҳоли муайян қисмининг етакчи партиялар олиб бораётган сиёсатдан норозилиги, мамлакатнинг бир қатор ҳудудларидаги иқтисодий пасайиш ҳамда мамлакатда коррупциянинг сақланиб қолгани билан изоҳланади.

Қўшма Қиролликдаги Шотландия миллий партияси экология ҳамда таълим соҳасида ўзгаришлар қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Шунингдек, партиянинг сайловолди дастуридан таълим соҳасига катта миқдорда маблағ ажратган ҳолда мактаб ҳамда олий ўқув юрталари фаолиятини янада яхшилаш белгиланган.

“Яшиллар партияси” эса атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва экологик назоратни амалга ошириш соҳасида муҳим қонунчилик базасини шакллантириш, экологик назорат, атроф-муҳит ҳолати мониторингининг тизими ва вазифаларини қатъий белгилаш, бу борада янги қонунларни тақомиллаштириб бориш госяларини илгари сурмоқда. Партия вакилларининг фикрича, сув ва суддан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофиза қилиш ва, айниқса, бугунги куннинг жиддий масалаларидан — чиқиндиларни бартараф этиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофиза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти ҳамда эътиборини жалб этиш, уларнинг иштирокини таъминлаш муҳим вазифалардан саналади.

Либерал-демократлар партияси мамлакат тараққиётини ривожланган индустриаллашма, ишсизлар сонини максимал пасайтиришга деб билди. Қолаверса, либерал-демократлар дастурида оддий аҳолидан олинмаган солиқларни камайтириш, маош, нафақа, имтиёزلарни барқарорлаштириш вазифалари ҳам ўрин олган.

Либерал-демократлар партияси мамлакат тараққиётини ривожланган индустриаллашма, ишсизлар сонини максимал пасайтиришга деб билди. Қолаверса, либерал-демократлар дастурида оддий аҳолидан олинмаган солиқларни камайтириш, маош, нафақа, имтиёزلарни барқарорлаштириш вазифалари ҳам ўрин олган.

Либерал-демократлар партияси мамлакат тараққиётини ривожланган индустриаллашма, ишсизлар сонини максимал пасайтиришга деб билди. Қолаверса, либерал-демократлар дастурида оддий аҳолидан олинмаган солиқларни камайтириш, маош, нафақа, имтиёزلарни барқарорлаштириш вазифалари ҳам ўрин олган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Техник носозлик сабаб бўлди

Японияда энгил моторли самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида уч киши ҳалок бўлди.



Самолёт Тёфу шаҳри аэропортидан ҳавога кўтарилиши биланоқ муаммага дуч келган ва аэродромдан 2 чақирим наридаги ҳудудга қулаган. Ерга қулаган самолёт кўп ўтмай ёна бошлаган, олов эса атрофдаги 5 уйга тарқалган. Самолётда 5 киши бўлган. Улардан икки нафари ҳамда ёнган юз берган уйлардан бирида истиқомат қилган аёл ҳалок бўлди, уч йўловчи эса оғир жароҳатлар билан шифохонага етказилди. Ҳалокатга самолётда юзага келган техник носозлик сабаб бўлгани айтилмоқда. Айни вақтда воқеа жойида кутқарувчи ва ўт ўчирувчилар иш олиб бормоқда.

Сув тошқини

Перуда ёққан кучли жала оқибатида сув тошқини юзага келди.



Оқибатда, Икитос шаҳридаги уй ва кўчалар сув остида қолди. Корхона ва дўконлар ёпиб қўйилди. Хозирча ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. “МТ” — эслатма: Тинч океанида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли Перуда тез-тез тошқин рўй беради. Жорий йилнинг март ойидаги сув тошқинлари оқибатида 28 киши қурбон бўлганди.

Ҳаво исиши оқибатида...

Иссиқ ҳаво ҳамда кучли шамол таъсирида Франциянинг Бордо шаҳри атрофида кучли ўрмон ёнғинлари юзага келди.



Оқибатда, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи 600 дан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Кучли шамол таъсирида тарқалган ёнғин шаҳардан йигирма чақирим узоқликдаги жами 520 гектар қарағай ўрмони-га зарар етказди. Ёнғинни бартараф этиш учун авиация, 250 ўт ўчирувчи ҳамда 60 махсус техника воситаси жалб этилди.

Рангин дунё

Жанубий Европанинг Апеннин ярим оролида жойлашган Сан-Марино республика типидagi энг қадимий давлат: умумий майдони — 61 квадрат километр, аҳолиси 31,9 миң киши. Худуди денгиз сатҳидан 738 метр баландликда жойлашган Монте-Титано тоғининг жанубий-ғарбий ёнбағриши эгаллаган. Тоғу-тошлар мамлакат ҳудудининг — 80, ҳайдаладиган ерлар — 16 фоизини ташкил этади. Сан-Марино дунёдаги митти давлатлардан бири бўлиб, ҳамма томондан Италия Республикаси билан chegarados.

Мамлакатнинг номи унга асос солган роҳиб номидан олинган бўлиб, кейинчалик бу номга “Сан”, яъни “муқаддас” сўзи қўшиб ишлатилган. Ривоятларга кўра, Адриатика денгизининг Раб оролида ташкил этилган биринчи насронийлар уюшмаси аъзоси, тоштарош Марино IV аср бошларида ўзининг бир неча ҳамроҳлари билан Апеннин ярим оролидаги Монте-Титано тоғи ёнида панаҳ топган. Уша вақтлардан буюн Сан-Марино мавжуд бўлиб келмоқда. Бошқаруви шаклига кўра, Сан-Марино — республика, давлат бошлиги — Катта Бош кенгаш тайинлайдиган капитан-регент. Капитан-регент ҳар йили

“Кўҳна қитъа”нинг кўҳна республикаси

ҳарда ҳукумат муассасалари, қатор мейморий обидалар ва музейлар жойлашган. Мамлакатнинг ишбилармонлик маркази Борго-Мажоре шаҳри бўлиб, у пойтахтдан 200 метр пастроқда жойлашган. Энг йирик аҳоли пункти — Серравалле шаҳри бўлиб, бу ерда 9,2 миң аҳоли истиқомат қилади. Монте-Титано тоғининг уч чўққиси устида Гуаита, Честа ва Монтале миноралари жойлашган. Улар Сан-Маринонинг озодлиги тимсоли бўлиб, мамлакатнинг байроғи ва гербида ҳам акс эттирилган. Гуаита уч минора орасида энг қадимийси саналади. Минора X асрда бунёд этилган бўлиб, кишида гўё тоғ остидан ўсиб чиққандек таассурот уйғотади. Қалъа бир неча марта қайта қурилган, XV асрда келибгина ҳозирги қиёфасига эга бўлган. Бу ерда Сан-Марино тарихи музейи ташкил этилган. Монте-Титано тоғининг энг балинд



ҳарда ҳукумат муассасалари, қатор мейморий обидалар ва музейлар жойлашган. Мамлакатнинг ишбилармонлик маркази Борго-Мажоре шаҳри бўлиб, у пойтахтдан 200 метр пастроқда жойлашган. Энг йирик аҳоли пункти — Серравалле шаҳри бўлиб, бу ерда 9,2 миң аҳоли истиқомат қилади. Монте-Титано тоғининг уч чўққиси устида Гуаита, Честа ва Монтале миноралари жойлашган. Улар Сан-Маринонинг озодлиги тимсоли бўлиб, мамлакатнинг байроғи ва гербида ҳам акс эттирилган. Гуаита уч минора орасида энг қадимийси саналади. Минора X асрда бунёд этилган бўлиб, кишида гўё тоғ остидан ўсиб чиққандек таассурот уйғотади. Қалъа бир неча марта қайта қурилган, XV асрда келибгина ҳозирги қиёфасига эга бўлган. Бу ерда Сан-Марино тарихи музейи ташкил этилган. Монте-Титано тоғининг энг балинд

асрда қурилиши бошланган мазкур иншоот бошқа миноралардан фарқли равишда сайёҳлар учун ёпиқ. Сан-Маринонинг диққатга сазовор жойларидан бири Озодлик майдони бўлиб, бу ерда Палаццо Публико (Халқ саройи) биноси жойлашган. Миллатнинг гуруру ва ифтихори рамази бўлган мазкур бино парламент ва шаҳар ҳокимлиги қароргоҳи ҳисобланади. Сан-Марино базиликаси — мамлакатнинг асосий ибодатхонаси саналади, у ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилган. Сан-Марино давлат музейи Пиачцетта-Титан кўчасида, Сан-Франческо черкови яқинида жойлашган. У дастлаб 1899 йида Палаццо-Валони биносида очилган. 1982 йида эса тўрт қаватли Палаццо-Пергани-Белуччи биносига кўчирилган. Музейда 1865 йилдан бошлаб топилган Сан-

Музқаймоқ стрессдан асрайди

Ёз чилласида яхна ичимликлар, айниқса, музқаймоқ жоннинг роҳати. У киши танасидаги ҳовурни босиб, организмни тетиклаштиради...



Музқаймоқнинг асосини ташкил этувчи сут ва қаймоқ таркибида фойдали ва асабни тинчлантирувчи модда мавжуд бўлиб, у асаб тизимини тинчлантириш билан бирга, уйқусизликни енгиш ва кайфиятни кўтаришда яхшигина наф беради...

БИЛАСИЗМИ?

- Чақалоқ танасида 300 га яқин суяк бор. Бола улғайгач, улардан 206 таси сақланиб қолади.

ТУРФА ОЛАМ

"Ақлли" пальма

"Smart Palm" компанияси Дубай шаҳрида Wi-Fi тарқатадиган ва мобил телефонлар батареясини қувватлантирадиган "ақлли" палмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



Кўёш батареялари билан жиҳозланган қурилмалар кун бўйи кўёш энергиясини тўглаб, кечкурун ишлай бошлайди. Ҳар бир пальмада телефонни қувватлантириш учун саккизтадан жой бор.

Илк сунъий юз

Япониянинг "Real-f Co" компанияси илк маротаба инсоннинг сунъий юзини ишлаб чиқарди.



Компания раҳбарининг айтишича, силикондан ясалган сунъий юзлар келажакда пластик жарроҳлик соҳасида ҳам кўл келиши мумкин. Лойиҳанинг ўзига хос томони — сунъий юз бюрютмачи юзининг ҳар бир деталига бир ҳил қилиб ишланади.

Дилноза СУЛТОНОВА тайёрлади

Тошкент Алқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Мирсалимов Нуридин Фахридиновга берилган № К 1884562 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



довжорак ва жасур бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Шу боис дорбозлик санъати ана шу даврларга келиб янада оммалашган.

— Дорбозлар, асосан, икки йўналиш бўйича томоша кўрсатади, — дейди Турсунали полвон. — Профессонал дорбоз ва халқ дорбози. Ҳар иккинсининг ўзига хос томонлари бор.

Бир сафар Москва шаҳрида халқаро дорбозлар кўриктанловидида иштирок этдик. Қарасам, саҳналар бир-бирига жуда яқин қурилган. Шунда ташкилотчиларга "саҳналар бир-бирига яқин экан, биз томоша бошласак, бошқа саҳналарга томошабин бормайди", дедим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг дорбозлик санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда дорбозлар кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда.

— Дорбозни бир ярим ёшдан бошлаб тайёрлаш ва дорга олиб чиқиш лозим, — дейди "Шахрисабз дорбозлари" гуруҳи раҳбари Саъдулла Мамадалиев.

Дорбозлик фақат дор ўйинларидан иборат эмас. Уни дор остидаги томошалар ҳам беэба туради. Бизнес гуруҳимиз, асосан, оила аъзоларимиздан ташкил топган.

— Президентимиз раҳнамолигида миллий кадрляларни, маънавий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш, қадимий ва бебаҳо кадриятларимиз сифатида ўзига хос жиҳатлари, бутун жозибаси билан келажак авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда дорбозлик санъатини ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мероси рўйхатида киритиш таклифи билан ариза топширганмиз. Бу таклифимизни Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитаси 2015 йилнинг ноябрь ойида қўриб чиқарди.

Аслида дорбозлик — санъат даражасига кўтарилган спорт. Зеро, дорбознинг ҳаракатларини кузата туриб, унда гимнастика, акробатика ва яна шунга ўхшаш кўплаб спорт турлари элементларини кўриш мумкин. У спорт каби инсоннинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилиш билан бир қаторда, халқ маданий мероси сифатида миллий кадриятларни қадрлашга ундайди, кишига ўзгача хушнудлик улашди, инсоннинг кайфиятига ижобий таъсир этади.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Дор устида рақс тушиб...

боқий меросимиз — дорбозлик санъати ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши мумкин



Халқ ўйинлари азалдан ажбодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланади. Аксарият ўйинларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини тераляштиришга хизмат қилган.

...Кенг майдонда қурилган дорнинг баландлиги тахминан 10-12 метр. Дорбоз устунга боғланган арқонлар орқали икки ҳатлашда дорга чиқиб олди. Шовилмай кўзларига банд, оёқларига пичоқ боғлади. Томошабинлар ҳайрат ва ҳавотир аралаш унга тикилиб қолишди.

Хусусан, қадимдан юртимизда тўй-томошалар, байрамлар халқ ўйинлари билан янада файзли, кўтаринки руҳда ўтгани боис, энг оммавий бўлган миллий ўйинлар — улоқ-қўқари ва кураш сингари дорбозлик ҳам тўй ва байрамларнинг севимли томошасига айланган.

AGROBANK advertisement with "FitchRatings" logo and "Барқарор" slogan.

MILLIY TIKLANISH advertisement with contact information.

TAХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АХМЕДОВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Мухаммадхон КУРОНОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ...

Газета ҳафтанинг чоршанба кунли киши. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.